

Ўзбекистон туманида камбағалликни қисқартириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириклари ижроси юзасидан туманда режа график ишлаб чиқилиб, худудларда ишчи гурӯҳлар томонидан ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўрганишлар давомида маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, кам таминланганлар рўйхатида турувчи оиласалар ҳолати бирма-бир кўриб чиқилмоқда.





Бугун, 11 март куни вилоят ҳокимлиги ишчи гурухи иштирокида туман ҳокимлигига ўтказилган йиғилиш ана шу масалаларга бағишиланди.

Сектор раҳбарлари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, маҳалла раислари, ташкилот ва муасссалалар раҳбарлари, иқтисодий мажмуя раҳбарлари ва мутахассисларидан иборат ишчи гурух аъзолари иштирок этган йиғилишда туманда камбағалликка оид реал аҳволнинг таҳлили ва келгусидаги вазифалар батафсил муҳокама қилинди. Бу борада асосан аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, иш билан банд бўлмаган фуқароларни тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали камбағалликни камайтириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларга кенг эътибор қаратилиши лозимлиги йиғилишда таъкидланди.

Ташкил этилган ишчи гурӯҳлари томонидан маҳаллалар кесимида ҳақиқий ҳолатни ўрганиш бўйича белгиланган вазифаларни ижроси муҳокама қилиниши билан биргаликда, камбағал оила тоифаларни камбағалликдан чиқариш бўйича вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-11 18:25:14